

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Абдурахмонов</b>	
Яшил рангинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида) .....	79
<b>О.Абобакирова</b>	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадий хусусиятлари.....	83
<b>Д.Турдалиев</b>	
Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
<b>И.Ҳабибуллаев</b>	
Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Муҳиддинов</b>	
Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги .....	103
<b>Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева</b>	
Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
<b>З.Акбарова</b>	
Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
<b>Н.Шарафутдинова</b>	
Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
<b>Ў.Исламов</b>	
Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
<b>Л.Абдуллаева</b>	
Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов</b>	
Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
<b>У.Абдуллаева</b>	
Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Ў.Омонова</b>	
Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
<b>А.Раҳматжонзода</b>	
Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
<b>Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождидинов</b>	
Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
<b>А.Урунов, С.Элмонов</b>	
Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш .....	150
<b>Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров</b>	
Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
<b>М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова</b>	
ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
<b>С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов</b>	
Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 8/8-3

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКОЙ ДЕТСКОЙ ПОВЕСТИ**  
**ARTISTIC FEATURES OF UZBEK CHILDREN'S PROSE**

**О.Абобакирова<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> **О.Абобакирова**

— ФарДУ, мактабгача таълим кафедраси  
ўқитувчиси.

**Аннотация**

*Мақолада Анвар Обиджон, Латиф Маҳмудов ва Носир Фозилов ҳикояларининг бадиий хусусиятлари, услубларидаги ўзига хосликлар тадқиқ этилган. Уларнинг ўзбек болалар адабиёти тараққиётидаги ўрни ёритиб берилган.*

**Аннотация**

*В статье проанализированы художественные особенности, особый стиль рассказов Анвара Абиджана, Латифа Махмудова и Насыра Фазылова. Освещена роль писателей в развитии узбекской детской литературы.*

**Annotation**

*The peculiarities of the artistic features of the stories by A.Obidjan and N.Fazilov are analyzed in the given article. The role of the stories in the development of children's literature is elucidated.*

**Таянч сўз ва иборалар:** маҳорат, болалар ҳикоячилиги, услубий ўзига хослик, бадиий хусусиятлар, босқичлар, давр ва қаҳрамон, тасвир хилма-хиллиги.

**Ключевые слова и выражения:** мастерство, детские рассказы, своеобразие стиля, художественные особенности, этапы, время и герой, разнообразие описания.

**Keywords and expressions:** skill, children's prose, style peculiarities, artistic features, stages, time and hero, style diversity.

Болаларга аталган ҳикояларнинг таъсирчан, болаларбоп, ишонарли, жозибаторлигида уларнинг бадиий жиҳатдан юқори бўлиши муҳим ўрин тутди. Тўғри қайд этилганидек “Бадиийликнинг турлича даражаси борлигини яна шунинг учун доимо эсда тутиш кераки, танқидчида баъзан адабий асарининг мазмуни унинг бадиий шаклидан ажратиб туриб баҳолаш ҳодисалари учраб туради. Бундай ҳолларда баъзи танқидчилар гўё асарнинг ғоявий мазмуни муҳим бўлгани (масалан, асар ҳозирги замоннинг муҳим темасида ёзилган ва унда муҳим идеялар мавжудлиги) учун унга юқори баҳо бериб, асарда бадиий жиҳатдан камчиликлар борлигини гўё иккинчи даражали камчиликдек қайд этиш билан чекланадилар. Ваҳоланки, бадиий жиҳатдан суст бўлган асарнинг нуқсонларини унинг ғоявий мазмундаги муҳимлик ва актуаллик қоплаб кетолмайди, бундай асар адабиётнинг тўла қимматли асари ҳисобланиши мумкин эмас” [1,410]. Маълумки, “Кичик ҳажмли бу адабий асар (ҳикоя назарда тутилмоқда – А.О.) тури киши ҳаётидаги малум бир воқеани тасвирлайди ва шу воқеага қадар бўлган ёки ундан

кейинги рўй берган воқеаларни батафсил баён этмайди. Ҳикоянависнинг усталиги шундаки, у киши ҳаётдан кичкина бир эпизодни олиб, унда ҳаётнинг муҳим типик томонларини шу ихчам шаклда типиклаштириб тасвирлайди” [2,274]. Табиийки, юқоридаги ҳикояга хос жиҳатлар бадиий жиҳатдан пухта тузилган жумлалар, иборалар, талаффуз, тасвирий воситалар орқали юзага келган пейзаж ва портрет тасвирида юзага чиқади. Айниқса, болалар ёзувчиси олдида болалар қалбини забт этадиган, уларга таъсир этиб, ўзига ром этадиган асар яратиш вазифаси турадики, бу вазифани барча ижодкорлар ҳам уддалай олмайдилар. Шу боис ҳам болалар ёзувчилари ҳамда болаларга аталган асарлар миқдори ҳам кўп эмас. Болалар учун асар яратаётган ёзувчи бола ҳолатига тушиб, бола бўлиши керак.

Анвар Обиджон асарларининг болаларбоп, ўқимишли бўлишининг боиси ҳам юқоридаги биз тилга олган жиҳатлар билан боғлиқлигидир. Ушбу ўринда профессор Н.Владимированинг “Бугунги ўзбек ҳикоянавислигида юз бераётган жараёнлар мураккаб ва ранг-барангдир. Бир

томондан, миллий анъаналар билан мустаҳкам алоқа кичик жанр чегараларида эркин ҳаракат қилиш имконини берса, иккинчи томондан, Ғарб адабиётини рус ва қардош халқлар адабиётини ўрганиш жанр диапазонидаги шаклларнинг янада ранг-баранг бўлиши учун катта имконият туғдиради” [3,13], деган сўзларини Анвар Обиджоннинг болаларга атаган ҳикояларига ҳам тўла татбиқ этишимиз мумкин. Масалан, унинг “Одобли бўлиш осонми?” ҳикояси кичик мактаб ёшидаги болаларга аталган. Ҳикояда халқ эртақларига хос услуб – жониворлар ва ҳайвонларни, ҳашарот ва паррандаларни одамлар сингари фикрлатиш ва сўзлатишдан моҳирлик билан фойдаланиб, муайян ғояни ифодалашида кўзга ташланади. Асар қаҳрамонлари она сичқон ва сичқонча. Ёзувчи уларнинг зарарли жиҳатлари ҳақида тўхталмайди. Уларга холис муносабатда бўлгани ҳолда воқеликка одоб-ахлоқ ҳақидаги ғояни сингдиришга эришади. Ёзувчи фикрича, сичқонлар ҳам улкан борлиқнинг ажралмас бўлаги, улар ҳам борлиқда яшашга тўла ҳақлидирлар.

Ҳикоя сичқонча тасвири билан бошланади: “Миттигина, қувноққина, ебтўймасгина бир сичқонча бор экан. У суюкли ойижониси билан бирга қишлоқдаги энг баланд, энг кўркам уйнинг энг чуқур ковагида яшар экан” тарзида асосий қаҳрамон ҳақида сиқик, мухтасар маълумот берилади. Ушбу тасвир ўзбек халқ эртақларидаги “Бир бор экан, бир йўқ экан...”[4,13] тарздаги ифода йўсинини беихтиёр ёдга солади. Кунларнинг бирида тўлпоқ Сичқончанинг ойижониси бурнини бурнига ишқалаганича эркалатиб, унинг оёқ пойлари пишиб, тили сайроқланиб, ташқарига чиқиб ўйнаса ўйнагудек бўлиб қолганини, энди эсини йиғиб, одобли бўлиши кераклигини уқтириш билан асар сюжети воқеалари ривожлана бошлайди. Сичқонча ҳам ўз навбатида эси жойида эканини, чунки қайси овқат ширин эканини, яхши бўлишини сўзлаб, одобли кўриниш учун нима қилиш зарурлигини сўрайди. Онаси ҳам ўз навбатида саволга шундай жавоб беради: “Кичкинтойларнинг одоби, биринчи ўринда, қандай салом беришидан билинади, – дея жавоб қайтарибди онажониси. – Ўзингдан каттароқларни учратганинида, чиройли жилмайиб: “Ассалому алайкум”, десанг, улар ҳам сенга очик юз билан боқиб:

“Ваалайкум ассалом”, дейишади. Кейин ичларида “ниҳоятда одабли бола экан, онасига минг раҳмат, деб кўйишади” [4,13].

Ёзувчи ўзига хос ижодий топилмалар билан қаҳрамонлар нутқига энгил юморни сингдириб юборадик, ўқувчи юзида беихтиёр кулги пайдо бўлади. Сичқонча қойилмақом салом бериб, бошқалардан раҳмат эшитгиси келибди. “Ковақдан чиқиб, унга чақчайганича тикилиб турган бўғирсоқсимон Мушукка йўлиқибди. Сичқонча шум бароққа жилмайиб қараб, “Ассалому алайкум, Миёвпочча! деган экан, унинг кўзидаги ёвузлик бирданига сўнибди ва сал тамшаниб кўйиб: “Ваалайкум ассаломув-в... Умринг узоқ бўлсин. Ўтавер, -дебди[4,15]. Ушбу ўринда “Миёвпочча” лақаби бетакрор топилма, мушук қиёфасини энгил юморга йўғрилган чизгиси вазифасини бажарган. Сўнг Сичқончага дуч келган эчки қиёфаси унинг саломиде кўринади. Ташқи чизгиси эса унинг оппоқ чўққи соқолини шамолда байроқдек ҳилпираши тасвирида намоён бўлади. Қари эчки Сичқончанинг “Ассалому алайкум, Эчкибой бува” деган саломига “Ме-е-алайкум ассалом” дея қироат билан жавоб беради. Эчкининг саломга ўз маърашига мос берган жавоби ўқувчини ишонтиради, воқеликнинг таъсирчан қиёфасини таъминлайди ҳамда унда кулги уйғотади. эчки сичқончага олдида турган думбулдан тотиб кўришга таклиф этар экан, унинг одоби учун отасига раҳмат айтади.

У ўсиқ шўралар орасида косасини ичига беркиниб ухлаётган тошбақани кўриб қолади. Унинг атрофида айланганича салом бераверади. Тошбақа бу дунёда тинчроқ жой қолмаганидан норози бўлади. Сўнг яланглиқда маймоқ ит – ўзининг айтишига қараганда, юздан ошиқ “жаҳон урушлари”да қатнашиб, етмиш тўққиз жойидан ярадор бўлган шоввоз Тўрткўз кўшни Олапар билан суяк учун жанг олиб бораётгани устидан чиқиб қолади. Сичқонча шундай жанговар ҳайвонга салом бермай ўтишни одобсизлик ҳисоблаб, майин овозда “Ассалому алайкум, паҳлавон Тўрткўз!” дейди. Итлар унга парво қилмай “тишла-тишла”ни давом эттираверадилар. Сичқонча ҳам улар атрофида чангга беланган ҳолда “пизиллаб” айланиб, салом беришда давом этаверади: “– Ассаломалайкум! Ҳей, Тўрткўз, ассаломалайкум! Бу қанақа, кулоқ борми ўзи? Ҳей, ассаломалайкум деяпман! Саломга

алик қани? Бунақа қилиш яхшимас! Ассаломалайкум деб турибман-а! Шунда Тўрткўз Олапарнинг елкасидан тишлаб узокроққа отиб юборибди-да, то душмани ўзини ўнглаб олгунча, орада Сичқончага ўқрайиб: “Вов алайкум! Кўнглинг тинчидими, қутилдимми? Бор йўқол энди!” – деб ириллабди, сўнг қайтадан олишувга киришибди” [4,19].

Сичқонча бу совуқ муомаладан хафа бўлиб, Тошбақа ва Тўрткўз воқеасини йиғлаганича кекса эчкига сўзлаб беради. Саломлашиш шарт бўлмаган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинлигини эса ҳақида эчки сўзлаб беради.

Ёзувчи ҳикояда болаларни бирон юмушни бажаришда ақл-фаросатли бўлишига, қутилмаган ҳолатларда тўғри йўл тутишга чақиради. Ушбу ўринда ёзувчининг кўйидаги эътирофи характерлидир: “Болага атаб ёзилаётган асарни овқат деб фараз қилсак, ўта иссиқ бўлса, оғзини куйдиради; ўта совуқ бўлса, ичини шамоллатади. Аммо икковидан ҳам хавфлироғи буткул бемазаси, битта тузи паст асар болани китобдан умрбод безитиб ташлаши ҳеч гап эмас. Шу боис болаларга ёзаётганда, адиб ўзини уларга ўйинчоқ ясайдигандек тутиб, уларда бу нарсага қандай қилиб кўпроқ қизиқиш ўйотиши мумкинлигини, фарзандларимизни у нималарга ўргатиши билан алоҳида аҳамият касб эта олишини олдиндан чамалаб турмоғи лозим. Болаларга бағишлаб ёзилган кичкинтойлар тушунчасидан, уларнинг ўзига хос атворидан, одмигина фикрлашларидан, ширингина, соддагина гаплашувлари доирасидан ортиқча узоклатиб кетмасликка риоя қилиш талаб этилади. Энг қийини мана шуни уйдлашдир. Болаларнинг табиатига ёт китоб болаларга кўшилиб ўйнолмайди” [5,13].

Анвар Обиджон юқоридаги ҳикоясида шартлилик-ишониш мумкин бўлмаган ҳодисани ишонтирарли акс эттириш усулидан моҳирлик билан фойдаланади. Бўғирсоқсимон мушук салом бергани учун Сичқончага ўтавер дер экан “Умринг узок бўлсин”, дея дуо қилади. Худди шундай ҳолни кекса Эчкининг агар қорни оч бўлса ўз олдидаги думбулдан озгина кемириб олишга таклиф қилишида кўринади. Шартлиликни Сичқончанинг ушбу таклифини яна ҳам одобли кўриниши учун рад этишида ҳам кўзга ташланади. Ёзувчи Сичқончанинг уришқоқ

итга мурожаатидаги ўзгаришларни ўзига хос тарзда нозик кузатиш асосида акс эттиради. Дастлаб у “пахлавон Тўрткўз” деб мурожаат қилса, сўнгра “Ҳей,Тўрткўз!” деб атайди. Кейин эса “Ҳай, деяпман!” дея чақиради.

Латиф Маҳмудовнинг “Олтин қўллар” ҳикоясида табиатни асраш ғояси илгари сурилган. Ҳикоя гўзал хиёбоннинг турли фаслларидаги манзараси тасвири билан бошланади. Асар воқеаси муаллиф томонидан баён этилади: “Ҳар куни хиёбондан ўтаман. Азим туп чинор, содда қайроғоч тағларидаги офтоб кўрмайдиган скамейкаларда бирпас дам олмай кета олмайди киши. Биров китоб ўқийди, биров ботаётган қуёшнинг олтин ипларига илиниб қолган терак учларига боқиб хаёл суради, биров ўтган-кетганга шунчаки лоқайд қараб ўтиради, хуллас, қидирган одамнингизни хиёбонда кўрасиз, шунақа жой бу ер. Куз келиши билан скамейкалар бўшаб, хазон супуриб юрган қоровул чол-у, йўлакларда тилларанг барглари сачратиб қувлашмачоқ ўйнаётган болалар келади, холос” [6,4].

Ёзувчи чинор ва сада қайроғоч соясидаги хиёбон тасвири орқали асарнинг асосий воқелигига ўқувчини олиб киради. Муаллифнинг айтишича, кеч куз кунларининг бирида ишдан қайтаётиб хиёбонда чўнқайиб ўтирган бир боланинг тепасида бир тўп болаларнинг шовқин солиб турганликлари устидан чиқиб қолади. Маълум бўлишича, бола кўчадан бир тўп кўчат топиб олибди. Уни экиш учун на белкурак, на кетмон топа олмагач, қаламтарош билан минг машаққат билан эсмоққа тушади. Шунда хиёбонда қувлашмачоқ ўйнаётган болалардан бири кўчатни олиб қочибди, иккинчиси от қилиб миниб шохини синдирибди. Кейин ҳаммаси болани калака қилиб ўртага олиб турган экан ўша пайт. Ҳикояда уларнинг қилмишларидан хафа бола қиёфаси шундай чизилади: “Унинг мунчоқдек қоп-қора кўзлари жиққа ёш эди. Ўпкаси тўлиб, ҳадеб антикар, пучуқ бурни, кулоқлари эса худди биров чертгандай совуқдан қип-қизариб кетган... Бола анчагача индамади. Ниҳоят, ўзига келди, шекилли, кичкина қўлларини бир-бирига ишқаб, қуф-қуфлаб кўйди” [6,5]. Шундан сўнг синган “чултоқ супурги” ҳолатидаги кўчатни экиб кўядилар. Кўчат икки-уч йилда авж олиб, гуркираб кетади. Сўнг ташландиқ сайҳонга морожнийхона қурилиб, гавжумлашиб қолади. У ернинг манзараси кўйидагича

ўхшатишлари асосидаги чизгида намоён бўлади: “Гир айланган стол-стулчалар, ўртада эса баҳайбат зонтикдек, атрофга қуюқ соя ташлаб турган сада! Назаримда, шаҳарнинг ҳеч ерида бунақа гаштли жой бўлмаса керак” [6,6]. Аммо ана шу гаштли жойга кимдир доғ қўйиб кетади. Саданинг танасига “Ҳасан” деб ўйиб ёзиб кетади. Шунда муаллиф хаёллари воситасида табиатни авайлаб-асрамайдиган, унга беписанд, худбин баъзи болаларга муносабатини шундай ифодалайди: “Жиққа ёшга тўлган мунчоқдек кўзлар, қаламтарош билан не машаққатда ер ўйган ўша миришқор, кичкина қўллар кўзимга кўриниб кетди. Йўқ, бу унинг иши эмас. Унинг кўлидан келмайди бу иш. Кўчат экиб, лаззатини тотиб кўрмаган бирор ичи қора ўз номини ўйиб кетган!” [6,6]

Ҳикоя ечими шундай сатрларда ўз ифодасини топган: “Орадан уч-тўрт йил ўтиб кетди. Бир кун саданинг яқинидан ўтиб кета туриб тўхтаб қолдим: паки билан ўйилган пўстлоқ аллақачон битиб, ичиқоранинг отидан ному нишон ҳам қолмаган эди. Ҳар кун хиёбондан ўтаман. Морознийхона олдига келганимда беихтиёр тўхтаб, саданинг мовий кўкда сирли шовиллашига қулоқ соламан. Назаримда, якка туп сада ўзига ҳаёт берган ўша кичкина, олтин қўлларни улуғлаб куйлаётгандай бўлади” [6,155].

Ёзувчи бола номини атайин яширади. Уни “олтин қўллар” дея атайди. Болаларни эса дов-дарахтларни авайлашга чақиради. Анвар Обиджон болаларга енгил юмор воситасидаги тасвир орқали яхши одатларга, хулқ ва одобга ундаса, Латиф Маҳмудов ушбу жиддий вазифани жиддий тасвир орқали акс эттиради ҳамда асардан хулоса чиқариб олишга даъват этади.

Латиф Маҳмудов ижодида кичик ҳикоялар ҳам мавжуд. Уша ҳикоялар ҳажман бир ёки икки саҳифадан иборат бўлиб, сюжети қисқа, фикрлар аниқ ифодалангани билан ажралиб туради. Масалан, “Дарвозабон” ҳикояси қаҳрамони Ориф. У ёзги таътил пайтида фақат ўйнайди ва овқат ейиш билан машғул бўлади. Ўзининг бу қилмишини “дам олиш”, “куч йиғиш” деб изоҳлайди. Ҳикоя воқеаси муаллиф томонидан баён этилади. Орифга лагерда ёзган хатлари жавобсиз қолгач, дўсти ниҳоят унинг ўзи олдига келади. Орифнинг пуфақдек шишиб, ухлайверганидан кўзлари

юмилиб кетган эди. “Стол устига қараб бўлмас эди. Олма, тарвуз, бурда-сурда нон, бир пиёла мураббо, толқон, ярим шиша қатиқ, яна алланималар, хуллас, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шу пайт ойиси бир лаган қовурдоқ олиб кирди. Ориф енгини шимариб ётган ерида овқатни тушириб кетди. Лаган тагидаги ярим пиёла ёғга нон тўғраб еди. Устига чой қўйиб симирди. Кетидан компот ичди. Икки қошиқ толқонни оғзига солиб, шишадаги қатиққа қўл узатди” [6,155]. Ориф яна чалқанча ётар экан, пишиллаб яқинда кўча командалари ўртасида футбол ўйини бўлишини, ана ўшанга куч йиғаетганини айтаркан, дўстининг хатига қўли тегиб жавоб ҳам ёза олмаганини таъкидлаб, узр сўрайди. Сўнг билagini кўрсатиб ўн беш кунда бир кило гўшт тўплаганини мақтанади.

Ҳақиқатдан ҳам орадан уч кун ўтиб, қўшни кўча футбол командаси билан сайҳонликдаги мусобақада Ориф дарвозабон бўлади. “Шу куни рақибларимиз дарвозага ўн тўрт тўп киритишди. Ориф пишиллаб копток тутаман, деб ҳар гал коптокдан олдин ўзи думалаб дарвозага кириб кетар эди” [6,156]. Антика тарзда “атайлаб куч йиққан” Орифнинг ўйин чоғидаги кулгили ҳолати унинг ҳаракатсиз ётавериши, пала-партиш овқатланиши оқибати экани ҳикояда ишонарли тасвирланади. Ушбу ўринда Латиф Маҳмудов ҳикоялари учун хос жиҳатлардан бири воқеликни моҳирона фойдаланиш ҳаётда қандай бўлса, шундай асарга олиб кириш, тасвирий ифода ва воситалардан бир қадар ҳам усулини қўллаш етакчилик қилишини айтиб ўтишимиз керак. Масалан, Латиф Маҳмудовнинг “Уч опа сингил” ҳикоясида ҳам худди шундай жиҳатни кўрамиз. Ҳикоя қаҳрамонлари уч опа-сингиллар: эрка Доно, ўжар Раъно, қизғанчиқ Зухродир. Улар бир-бирлари билан чиқиша олмай, жанжаллашгани-жанжаллашган эканлар. Бир куни бувилари уч опа-сингилни уйда қолдириб, бозорга кетар экан, у ердан қовоқ олиб келишини, уларга сомса ёпиб беришини айтиб, жанжаллашмасдан аҳил ўтиришларини тайинлабди. Бувилари кетиши билан уч опа-сингил энди ҳали бувилари бозордан олиб келиб улгурмаган қовоқни деб жанжаллашишни бошлабди. Доно ҳам, Раъно ҳам, Зухро ҳам қовоқнинг уруғини талаша бошлабди. Даҳанаки жанжал юмдалашишга айланади. Ҳикояда ёзувчи уларнинг жанжалларини шундай акс

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

эттиради: “На унисидан, на бунисидан биттагина уруғ ололмаган Зухро опаларининг юзига чанг солибди. Раъно Дононинг бошидан ёстиқни тортиб олиб, Зухрога отибди. Зухро ҳам абжиргина экан, ёстиқни ердан олиб энди Раънога улоқтирмоқчи бўлиб турган экан, Доно дарров ёпишибди. Бир учидан Раъно, бир учидан Зухро, бир учидан Доно торта-торта, охири ёстиқни йиртишибди-ю, бутун уй патга тўлибди!”[6,156]

Қизалоқларнинг жанжали Бувиларининг бозордан қайтиб келиб қолиши, унинг қўлида қовоқни кўришлари билан тўхтади. Улар изза бўладилар. Ҳикоя халқ латифалари ва эртаклари услубида қисқа, лўнда ифодаларда баён этилади. Жанжалкашликнинг оқибати пушаймонлик, юзи шувутлик эканини оддий, муболағалар ва бўрттиришларсиз, бадий тўқималарсиз реалистик услубда талқин этилади. Ёки “Бераҳм қиз” ҳикоясида ҳайвон ва паррандаларга азоб берадиган қиз воқеаси кичик мактаб ёшидаги болаларга мос тарзда баён этилган. Ҳикояда ҳайвону паррандалар бир-бирлари билан одамлар сингари сўзлашадилар. Ҳикоя сюжети қисқа, лўнда, ортиқча тафсилотлардан ҳоли, болаларбоп усулда содда ифодалар билан баён этилган. Мураккаб ўхшатиш, қиёс ва таққосларсиз жонли тилда асар қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган.

Ҳикоя шундай танишув билан бошланади: “Бир бераҳм қиз жониворларни қийратишни яхши кўраркан: офтобда исиниб ётган бароқ мушукнинг думини ушлаб, ошхонанинг томига улоқтираркан. Айвонга қамалиб қолган чумчуқларни тутиб, оёғига қоғоз боғлаб учираркан, ўрикнинг шоҳидаги майнага тош отаркан. Фақат ҳовлидаги шалпангқулоқ итга теккани журъат қилолмас, аммо дам юзини буриштириб, дам тилини чиқариб, унинг ҳам ғашига тегиб турар экан. Шалпангқулоқнинг “бас, ҳаддингдан ошма”, дея ириллаши билан қизча дарров уйига кириб оларкан. Шундан кейин мушук томдан тушаркан, майна ўрикка келиб қўнаркан”[6,156].

Кунларнинг бирида бароқ мушук, майна, чумчуқ бераҳм қизнинг таъзирини бериб қўйиш учун итга маслаҳат солишибди. Шунда шалпангқулоқ ит бир оз сабр қилишларини, балки қизнинг эси кириб қолишини айтибди. Лекин улар қизнинг эси киргунча мушук

думидан, майна қанотидан, чумчуқ патидан ажраб қолишини айтишибди. Қизчанинг опалари мактабга, ойиси ишга кетиши билан аламзада жониворлар уйга ёпирилиб киришибди. Бир гала чўмчуқлар қизчанинг дуч келган жойидан чуқийдилар. Қизча ташқарига қочиб чиқса, остонада кўзларини ўйнатиб, мўйловини силкитиб бароқ мушук кутиб олибди, унинг тиззасига чиқиб даҳшат билан “миёв” лабди. Майна эса қизчанинг бошига қўниб, овозининг борича сайрабди. Шунда қизча бувисининг “Болам, жониворларга озор берма”, деган сўзларини эслайди. Шалпангқулоқ итга йиғламсираганича, уни қутқаришини, энди уларга ҳеч озор бермаслигини айтади.

Ҳикоя сюжетининг ечими шундай яқунланади: “Шалпангқулоқ қизчанинг аҳволини кўриб: ”Ҳа, энди тоза адабини еганга ўхшайди”, – дея ириллаб қўйган экан, бароқ мушук қизчанинг тиззасидан тушиб, майна билан чумчуқлар гуриллашиб ҳовлига чиқиб кетишибди. Шу-шу қизча... чумчуқлар ризқларини териб, бемалол ҳовлида юрадиган, майна ўрикни шоҳида чўчимай ўтирадиган, бароқ мушук эса офтобда хотиржам исиниб ётадиган бўлибди”[6,158].

Латиф Маҳмудовнинг “Қизғанчиқ” ҳикояси қаҳрамони Салима бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги қизчадир. У ойиси олиб берган ярми қизил, ярми сариқ коптокни кўтариб ташқарига чиқади ва қувлашмачоқ ўйнаётган дугоналарига дуч келади. Дугоналари Замира, Муборак ва синглиси Лола коптокни бирга ўйнашга таклиф этади. Салима эса рад жавобини беради. Копток ерга тегса, эскириб қолади, дейди. Синглиси эса дугоналарига опаси ухлаганида олиб, роса ўйнашини айтади. Салима бу гапдан ваҳимада қолади. Коптогини яшириш ҳаракатига тушиб, минг жойга яшириб, минг жойдан олади. Ниҳоят Лола ўйласа тушига кирмайдиган жой деб, дарвозанинг олдидаги ахлат яшиқнинг ичига ташлаб, устидан хазон ташлаб қўяди. Сўнг уйқуга кетади.

Шу куни кечаси билан коптоги тушига кириб чиқади: Лола коптогини топиб олиб, ўртоқлари билан ўйнагани кўчага чиқиб кетаётган эмиш. Салима “дод” деса, овози чиқмасмиш. Ҳикоядаги ушбу туш кўриш детали қизғанчиқ Салима қиёфасига мослиги билан ҳаққоний ифодани юзага келтирган. У уйқудан тургач, яширган жойини эслай

олмаслиги ва ниҳоят топганида ахлат яшигини бўш кўриши ҳам воқеликни кутилмаган ечим топиши воқеликда кескин бурилишни юзага келтиради. Маълум бўлишича, бувиси эрталаб ахлат яшиқдаги хазонларни ахлат машинасига ташлаб юборган экан. Ёзувчи ана шу тариқа қизғанчиқликнинг зарарини болаларбоп йўсинда оддий ифодалашга эришади. Асар хулосаси “Бахилнинг боғи кўкармас” деган халқ мақолини гўё эслатиб юборади.

Латиф Маҳмудовнинг кичик мактаб ёшидаги болаларга аталган “Айрилганни...” номли ҳикоясида ҳам оддий воқеа – куз пайти тўдасидан ажраб, дарахт шохиди узилмасдан ёлғиз ўзи қолган баргнинг номнишонсиз йўқолишига маҳкумлиги баёни орқали дўстлик, ҳамжиҳатликни улуғлаш ғояси ўзига хос тарзда ифодаланади. Ҳикоя борлиқдаги ҳар бир наботот инсонлар учун хизмат қилишини, шу боис инсонлар ҳам уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши зарурлигини ифодаловчи тасвир билан бошланади: “Баргларнинг умри қисқа экан. Куз келиши билан кўнғир тусга кириб, уч-тўрт кун лов-лов ёнишаркан-у, дайди шамолнинг ҳамласига дош беролмай чирт-чирт узилиб, бир кечада дув тўкилишаркан. Шундай бўлса ҳам бирор барг ўз қисматидан нолимас экан, аксинча, одамларни жазирама офтобдан асраганидан, чанг-тўзонларнинг йўлини тўсганларидан мамнун бўлиб ерга бош қўйишаркан” [6,160]. Ана шу тариқа ўқувчи кўз ўнгидаги кузнинг бетакрор манзараси фонида оламни яшнатишга, асрашга умриларини бахшида этган барглар фидойилигини улуғлаш орқали болаларни атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш одобини шакллантириш мақсад қилинади. Лекин бир ўжар барг ўртоқларидан ажралиб, новдага маҳкам ёпишганича узилгиси келмайди. У қор-ёмғирда қолиб чириб кетишни хоҳламайди. Шунда шериклари “Биз она ерга сингиб, мадад берамиз, шарофатимиз билан келгуси йил янги барглар кўкаради, шунда қайта яшарамиз, ёлғиз қолма, қор-бўронларда ҳолинг не кечади?” -дейишади. Лекин у оёқ ости бўлгандан ёлғиз яшашни афзал билади. Сўнг ёлғиз баргнинг қаҳратон қишдаги аҳволини тасвирлаш орқали ёзувчи ўз тўдасидан ажраганларнинг фожиасини болаларбоп йўсинда ифодалашга эришади. Шунингдек, ҳикояни ўқиш жараёнида ўқувчи

кўз ўнгида қишнинг манзараси намоён бўлади. “Қиш келиши билан ҳаммаёқ қорга бурканибди, изғирин шамол эсибди. Қовжираб ўз хуснини йўқотган ўжар барг қалт-қалт титраб, ваҳима билан новдага яна ҳам маҳкамроқ ёпишиб олган экан, новда, барг, вақт-ғаниматда пастга-шерикларининг олдига тушиб ол, дегандек силкинибди, бироқ ўжар барг қулоқ солмабди. Шамол эса уни ҳар кун турткилайверибди. Барг ҳолдан тойибди ва изғирин шамолнинг яна бир ҳамласига бардош беролмай чирт узилибди-ю, чирпирак бўлиб учиб кетибди. Шу кетганича ном-нишонсиз йўқолибди” [6,160]. Ҳикояда “Айрилганни айик, бўлинганни бўри ер” мақолидан келиб чиқан ҳолда сарлавҳа танланган бўлиб, унинг мазмуни воқеалар моҳиятига сингдирилган.

Латиф Маҳмудовнинг “Ёнғоқ билан терак” ҳикоясида манманлик иллати танқид остига олинади. Ҳикояда айтилишича, терак билан ёнғоқ ёнма-ён ўсибди. Терак ўзининг чиройига, бўйига маҳлиё бўлибди. Ёнғоқни ҳам ўзи сингари юқорига қараб ўсишга чақирибди. Шунда ёнғоқ ўзига ҳаёт берган она ерга бош эгмай яшолмаслигини айтибди. Терак эса қўшнисининг гапларидан кулиб, “Букчайиб ўл”, дея ичида юқорига қараб тинмай ўсибди. Терак юқоридан қараса ўзидан чиройлироқ дарахт йўқ эмиш. Унинг кўзига ёнғоқ ҳам, олма ҳам, ўрик ҳам жуда хунук кўриниб кетибди. Ҳатто у ёнғоқ билан чиройини тўсмаслигини сўраб жанжаллашибди. Ёнғоқнинг ўзи хунук бўлгани учун ғайирлик қилаётганликда, унинг ҳусни жамолини бошқалардан тўсиб қўяётганида айблабди. Ёнғоқ теракни ўтиндан бўлакка ярамаслигини таъкидласа, терак одамларга зарур бўлганлиги учун экишганини айтиб мақтанади. Аммо кузга бориб деҳқон теракни вояга етганини кўриб, кесиби олиб кетибди. Келаси йили унинг тўнгагидан ингичка новда ўсиб, кўп ўтмай кўкка бўй чўзади. У ҳам бесўнақай ёнғоқ билан ёнма-ён ўсаётганлигидан нолий бошлабди. Деҳқон унинг ҳам тагидан арралаб ташлабди. Ҳикоя шундай сатрлар билан якунланади. “Ҳар тўрт-беш йилда терак тўнқасидан кўкарган новда кесилиб кетармиш-у, аммо ёнғоқ одамларни тўйдиргани учун ҳали ҳам баҳайбат қулочларини кенг ёйиб ўз жойида турармиш!” [6,162].

Латиф Маҳмудов Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний дарсликларидаги ҳикояларни



## АДАБИЁТШУНОСЛИК

эслатиб юборувчи юқоридаги ҳикоясида ўзига бино қўйиш, кеккайиш, ўзгаларни менсимаслик каби иллатларни ана шундай ҳаётӣ воқеликлар талқини орқали болаларбоп йўсинда ифодалашга эришади.

Носир Фозиловнинг “Кичкина деманг бизни...” ҳикояси қаҳрамони 14-15 ёшдаги 7-8 синф ўқувчилари Малик ва Ғани. Асар воқеалари концентрик сюжет асосига қурилган. Сирдарёдаги чўпонларнинг оғир аҳволи, урушдан кейинги машаққатли йилларда ўқувчиларнинг чўпонларга ёрдам беришлари асосидаги ҳикоя воқелигида биз болалардаги маҳнатсеварлик фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини нечоғлиқ намоён бўлганлигини кўраимиз. Воқеалар Сирдарё бўйларида бўлиб ўтади. Эрта баҳорда чорвани боқиш учун хашак қолмаган кезлари Абдуназар ака - колхоз раиси, фермага келганида ферма ишчиси Жамил бобонинг эшак аравадан юмшоқ барра хашакларни тушираётганини устидан чиқади. Ундан бу “ёмби” (хашак назарда тутилмоқда - А.О.) ни қаердан топганини сўрайди. Жамил бобо хашакларни Малик билан Ғани олиб келганилигини айтади. “Абдуназар ака гарданини қашиганича ўйланиб қолди. У ҳозир нимадандир хурсанд, айна пайтда негадир хижолатда эди” [7,88]. Унинг бу ҳолати сабаби ҳикоянинг кейинг воқеаларида аён бўлади. Ёзувчи оний ҳолатлар тасвирини моҳирлик билан ҳикояда чизади: “Раис Жамил бобо билан бепарвогина хайрлашди-да, машинага ўтириб, стартерни босди. Кўҳна газикнинг ғилдираклари олачалпоқ қор устида, аввалига ғиз-ғиз айланди-ю, сўнг орқага лой сачратиб, қийшанглаганича равон йўлга тушиб учиб кетди...” [7,88-89] Ҳикояда Абдуназар аканинг хашакни “ёмби” деб аташи сабаби - одатдагидан қишнинг чўзилиб кетиб, боқувда турган сигирларнинг емишсиз қолгани эди. “Тўғри кунжара, шелуха, силос каби емлар етарли. Лекин шундай бўлса ҳам хашакнинг ўрни бўлакча. Хашак қорамол учун нондек гап. Ошдан, ширинликлардан, ёғдан одамларнинг кўнгли қолади. Нондан ҳеч кўнгил қолганми? Ҳеч-да!” [7,89].

Малик ўтган йили лагерда “Янги турмуш” колхозидан келган Сайфи, Мурод, Қўчқор деган болалар билан дўстлашган эди. Малик бирор арава хашак бериб туришни ана шу дўсти Сайфидан сўрайди. У рози бўлгач, Ғани билан бирга Жамил бобонинг эшак аравасида ўн беш километрлик масофадаги

Сайфилар фермасига боради. У ердан хашакни олишиб, ортга қайтадилар, улар мактабга етиб келганларида синфдоши Дилфуза уларни кутиб мажлисни бошлай олмай турганлигини кўрадилар. Малик ва Ғани ўзларини хашак олиб келганликларини, шу боис мажлисга етиб кела олмай кеч қолганликларини айтмайдилар.

Ҳикоя тугуни, яъни нима сабабдан раиснинг болалар олиб келган хашакдан гоҳ хурсанд, гоҳ хижолат тортиши, машинасини тезликда юргизиб кетишининг сабаби ушбу воқеа билан ойдинлашади: “Ўтган йили мактаб жамоатчилиги гаражда ишга яроқсиз ётган битта Газ-51 автомашинасини колхоз бошқармасидан сўраб олган эди. Бу машинани юқори синф ўқувчиларининг ёрдамида аллақадардан эҳтиёт қисмларини топиб, не-не машаққатлар билан энди тузатиб олишганида, Абдуназар ака қайтариб олиб кетган. Раис бува бу иши билан энди машиналик бўлди, ҳайдашни ўрганамиз деб юрган қанчадан-қанча болаларни хафа қилган эди. Баъзи раислар ҳисоб-китобли бўлишади. Бирор нарсани бировга ҳадя қилаётганларида ундан қанча фойда келишини ҳам ўйлашади. Мактабга берилган машина масаласида ҳам шундай бўлди. Раис бува ўқувчилар машина ўрганишга, эрта-индин колхоз ишларига фойдаси тегишини эмас, машинанинг шу кунги фойдасини ўйлаб қайтиб олган эди” [7,93].

Ҳикоя сўнггида Абдуназар ака синфга кириб келар экан, бир нима дейишни билмай анграйиб қолади. Ушбу вазиятда раис ҳолати ишонарли тарзда аксини топган. “У нима қилишини, нима дейишини билмай, бир оз анграйиб тургач, ўнг кўлини кўтариб, пастга силтади. Болалар ўтиришди. У мўйловини силаб, томоқ қиради. Бир нима демоқчи шекилли. Ўртароқдаги партада ўтирган Малик билан Ғанига кўзи тушиб, жилмайгандай бўлади. Қўлларини орқага қилиб, бир пас у ёққа-бу ёққа юрди. Болалар ҳайрон. Дилфуза ҳамон олдинда қаққайиб турар, раис буванинг оғзини пойлар, бирон нима дейишга журъат қилмас эди. Бир маҳал раис бува мўйловларини силаб, болаларга ўгирилди-да, худду томдан тараша тушгандай: -Ҳалиги машина... деди. Болалар ҳайрон эди: қайси машина? Қанақа машина? Раис яна бир томоқ қириб олиб, гапида давом қилди. Ҳалиги қайтариб олганимиз

Газ-51 ни олақолинглар. Гаражда турибди. Қоровулга тайинлаб кўйдим. Гап шу!” [7,96]. Маълумки, “Болаларнинг ўзига хос дунёсини, руҳиятини чуқур билмаган ёзувчи уларга маъқул бўладиган, руҳий ва маънавий дунёсига ижобий таъсир этадиган асар ярата олмайди” [8,4]. Носир Фозилов болаларнинг ички дунёсини яхши биладиган ёзувчи. Унинг болаларга аталган асарларига ўзи кўрган-билган воқеаларни, прототиплари, ҳаётда бўлган қахрамонларини олиб кирганлиги билан таъсирчанликка эришган. Шунингдек, “ҳар қандай прозаик асарнинг бадиийлиги характернинг мукамаллиги билан белгиланади. Чунки бадиий асар ҳаётда содир бўлган воқелик орқалигина тарихга ва бугунга баҳо бермайди, балки инсон қалби таҳлил воситасида ҳаёт ҳақида мушоҳада юритади. Бошқача қилиб айтганда, олам ва одам хусусида ўз фикр доираси, нуқта-назари ҳамда ҳаёт тенденциясини англаш даражасида ўз фикрини билдиради, уни киши онгига сингдиради, шуурига шуур қўшади. Ёзувчининг бу борадаги савияси қанчалик чуқур бўлса, унинг қахрамонлари шунчалик жозибатор ва фаолияти шунчалик таъсирчан бўлади” [9,9]. Профессор Ҳ.Каримовнинг юқоридаги фикрларини болалар ёувчиларига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Носир Фозилов ҳикояларининг қахрамонлари меҳнатсевар, катталар билан ёнма-ён туриб турмуш машаққатларига дош бераётган, ўз она юртини севувчи ҳалол ва тўғрисиўз болалардир. Шўро ҳукуматининг бир ёқлама сиёсати кексаю ёш меҳнат гирдобига отганини, болаликнинг гўзал дамларини адоқсиз юмушларда соврилаётганини, ўқиш ва илм олишдан мосуво бўлиб, мафкуранинг меҳнат қилишга чақириқларини чин дилдан қабул қилган болалардир. Улар бу даъватларни ўзларининг истиқболларига қанчалик раҳна, ғов эканини заррача бўлсин англамайдилар. Англашлари ҳам мумкин эмас, қатағон сиёсати бу фикрларни хаёлга келтиришга монелик қиларди.

Носир Фозиловнинг “Набира” ҳикояси қахрамони Абдуғаффор шаҳардан қишлоққа бир ҳафталик таътилга келган. У Ризвон буви ва Соли бобонинг набираси. Лекин Абдуғаффор келган куниеқ кўнгилли бўлиб, ғўзаларни суғоришга киришган. У дўсти Абдуғани билан сувчи Жамил акага кечаси ғўзаларини суғориш ишида ёрдам берардилар. Ризвон буви набирасининг

кундузи етмаганидек кечаси ҳам ишга олиб қолишганидан норози. Соли бобонинг эса фикри ўзгача. У кампирга: “Сенга қолса набирангни пуф-пуфлаб гул тувакка ўтқазиб кўйсак, гард юқмаса...” – дея жавоб қилади. Ёзувчи қишлоқнинг тунги манзарасини оний жиҳатлари билан ҳикояга олиб киришга эришади: “Соли бобо жаҳли чиққанидан соқолларигача титраб, аммо кампирга бирор гап айтмай кўлидан тугунчасини зарда билан силтаб олди-ю, ҳассасини дўқиллатиб йўлга тушди. Бу маҳалда атрофга қоронғилик чўкиб, осмонда юлдузлар жимир-жимир қила бошлаган эди. Атроф жимжит. Қишлоқ анча олисда қолган бўлса ҳам бесаранжом итларнинг хуриши-ю, сигирларнинг маъраши, колхоз идораси олдидаги радио карнайнинг дона-дона гапириши-ю, қаердадир йилқичи қушнинг сайраши элас-элас қулоққа чалинар эди” [7,79-80]. Сўнгра Абдуғаффорнинг учинчи бригада ғўзасини суғоришга жалб этилгани воқеаси баён этилади. Воқеа шундай бўлган эди: Бир куни туш маҳали Абдуғаффор полиз ёнида ўртоқлари билан дам олиб ўтирганида, раис Арслон ака отда келиб қолади. У Абдуғаффор ким экани билан қизиқади. Уни Соли бобонинг набираси эканини, полиз ўтоғига ёрдам бераётганини эшгач, ғўзани суғораётган сувчилардан бири эҳтиётсизлик қилиб оёғига кетмон теккизиб олганлигини, ёрдамчи кераклигини айтади. Болалар ўйланиб қолганларида Абдуғаффор худди синфда ўтирганидек қўлини кўтариб “ман” дейди. Раис Абдуғаффорни бу ернинг пасту баландини билмайдиган шаҳарлик эканини ҳисобга олиб, ёнига Абдуғанини ҳам кўшиб беради. Шу - шу бўлди-ю, мана икки кундан бери Абдуғани билан Абдуғаффор иккаласи ғўза сувига қарашиб юрибди. Улар бугун тун бўйи ғўзаларни суғориб далада қолишмоқчи. Ҳикояда Ризвон бувининг набирасига бўлган меҳр-муҳаббати, миллий қиёфаси Соли бобога қилган аччиқ – тизиқларида кўринади: “Набирагинам бизни дея шаҳардан бир ҳафтагагина чиқса-ю, иш буюришса. Бир кун ҳам тинчгина олдимизда ўтирмади-я!.. Сиз қанақа одамсизки, кундузи етмагандай кечаси ҳам олиб қолишса-ю, индамай қараб тураверсангиз. Набирамдан бошқа одам куриб қолибдими сув суғоришга!..” [7,79] Оналарга хос меҳрибонлик унинг “гул тувакка ўтқазсам арзимабдими? Ким ўз набирасига гард юқишни раво кўради...” деган сўзларида ҳам

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

аён бўлади. Унинг набирасига овқат қилиб, тугунчага тугиб, чолидан далага бериб юборишида ҳам миллий қиёфаси гавдаланади. Ёзувчи узоқ кузатишларининг маҳсули сифатида юзага келган куйидаги табиат тасвири ҳам ҳаққоний талқини билан бетакрордир. Ўқувчи сувнинг майин шилдирашларини ғўзанинг ўзига хос бўйини, шамолнинг майин урилишини ҳам ҳис этаётгандек бўлади: "Атрофда шоналай бошлаган ғўзанинг ўзигагина хос бўйи дейди шабода билан димоққа келиб урилар, сувнинг танани яйратувчи ҳиди анқир, ғўза ораларига жўяклар билан таралаётган сувнинг майин товуши ажиб бир мусиқа каби эштилар эди" [7,79].

Ҳикоя сўнгида меҳнат қилган шахс, албатта, тақдирланади, деган фикр Абдуғаффорнинг имтиёзли равишда пионерлар лагерига жўнатилиши воқеаси билан асосланади. Ёзувчи ҳикояда персонажлар нутқидаги ўзига хосликни

таъминлаш орқали характерлар хилма-хиллигига эришади. Ёзувчи болалар учун мақтов юқори мукофот эканини Абдуғаффор кечинмалари воситасида ёритишга эришади: "Абдуғаффорнинг кўз олдида дарров раис келди. У: "Бобосининг набираси-да!" – деб жилмайиб тургандай эди. "Наҳотки мен олиб келган хатда раис мени мақтаб ёзган бўлса?! Наҳотки пионерлар лагерига боришим учун шу хат ёрдам қилган бўлса?! Наҳотки!"- деб ўйлар эди Абдуғаффор" [7,79].

Хуллас, Носир Фозилов қаҳрамонлар нутқи орқали уларнинг характерида хос жиҳатларни ёритишга эришган бўлса, Латиф Маҳмудов воқеликни реалистик талқинига асосий диққатини қаратади. Ушбу жиҳатлар унинг эртак-ҳикояларида ҳам кўзга ташланади. Анвар Обиджон эса беозор юморга уйғун тасвирий воситаларни қўллаш орқали қаҳрамонлар ҳолати ва чизгиларини яратишга эришади [10].

## Адабиётлар:

1. Коллектив: Адабиёт назарияси. Икки томлик. I-том.; Adabiyot nazariyasi. Ikki tomlik. 1-tom. – Т.: Фан, 1978.
2. Ҳамидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Ибраҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970.
3. Владимирова Н. Ҳикоянависликдаги изланишлар// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. – №6.
4. Anvar Obidjon. Kezargan Boychechak . Кезарган Бойчечак. – Тошкент: Cho'lon nomidagi nashriyot – matbaa uyi, 2016.
5. Анвар Обиджон, Ориф Толиб. Болаларга яхшилик қилишдан ортиқ саодат йўқ // – Ёшлик. 2017 йил 1-сон.
6. Латиф Маҳмудов. Сирли хат. – Т.: Ёш гвардия, 1981.
7. Фозилов Н. Кичкина деманг бизни...
8. Ибрагимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
9. Каримов Ҳ. Жанрми ёки услуб? –Т.: Фан, 1991.
10. Abobakirova O. Interpretation of the period and heroes in Uzbek children's stories // Teoretičeskaâ i prikladnaâ naukaInternational Scientific Journal, № 05 (85) 2020.

(Тақризчи: А.Сабирдинов - филология фанлари доктори).